

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқи асосида

УДК 616.933.162-07/08

ХУШВАҚТОВА МАДИНА

**ТЕРИ ЛЕЙШМАНИОЗИНИНГ КЕЧИШИДА КЛИНИК
БОСҚИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА МОС ҲОЛДА ДАВО ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

5А 510 108 «ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ»

Магистрлик даражаси учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

Тиббиёт фанлари номзоди, доцент

О.Б.Рахматов

Бухоро-2020

МУНДАРИЖА

Шартли қисқартмалар рўйхати

Кириш

I БОБ. Адабиётлар шарҳи

1.1 Тери лейшманиози ҳақида умумий маълумот

1.2 Тери лейшманиозининг патогенези ҳақидаги қарашлар

1.3 Даволаш усуллари

1.4 Фототерапия

II БОБ. Тадқиқотлар материаллари ва услублари

2.1 Тадқиқот материаллари

2.2 Тадқиқот усуллари

2.3 Статистик услублар

III БОБ. Тадқиқот натижалари

3.1 Тери лейшманиози билан оғриган беморларда яраланишгача бўлган даврда эрта ташхис қўйиш учун эпидемиологик, клиник ташхисот усулини такомиллаштириш мақсадида анкета тарқатилган ҳудудларда унинг самарадорлигини баҳолаш

3.2 Зооноз тери лейшманиозининг эрта тугунли, эрозияланиш ва яраланиш босқичида этиотроп даво чораларини танлаш мақсадида 0,05% Метилен кўки эритмасининг АЛТ Восток модел-03 орқали маҳаллий таъсирини баҳолаш

3.3 Тери лейшманиозининг эрта тугунли, эрозияланиш ва яраланиш босқичида этиотроп даво чораларининг клиник-лаборатор натижаларини аниқлаш

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

ТЛ- Тери лейшманиози

ЗТЛ- Зооноз тери лейшманиози

МК- Метилен кўки

ФДТ- Фотодинамик терапия

ФС- Фотосенсибилизатор

ЖССТ- Жаҳон соғлиқни сақлаш тизими

КИРИШ

Муаммонинг долзарблиги:

Тери лейшманиози ҳозирги кунга қадар долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда тери лейшманиози дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларида учраши қайд этилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиё давлатларида вицерал ва тери лейшманиозининг шаҳар тури етарлича йўқотилган. Аммо тери лейшманиозининг қишлоқ (ярали) тури ҳар йили кўплаб қайд қилинаётганлиги билан ҳудудда учраётган касалликлар орасида алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда.

Лейшманиоз энг кенг тарқалган паразитар касаллик ҳисобланиб соғлиқни сақлаш тизимининг муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Ўрта Осиёда ТЛ билан касалланиш бўйича ҳар доим юқори кўрсаткичларни эгаллаб келади.

Жумладан, Бухоро ва Қашқадарё вилоятида лейшманиоз касаллигининг учраш даражаси республикамиз вилоятлари ичида биринчилар қаторида турибди. Чўл ҳудудларида эндемик ўчоқларнинг мавжудлиги ва шу ўчоқларда касалликнинг мавсумий тарқалишининг олдини олиш чоралари, мойил гуруҳ шахсларнинг эндемик ўчоқларда бўлишлари, бу касаллик билан курашишнинг долзарблигини ошириб бормоқда. Тери лейшманиозининг эрта диагностикасини такомиллаштириш ва кечишида клиник босқичларига мос ҳолда даволаш усуллари етарлича йўлга қўйилмаган бўлиб, айтилиши вақтда эрта диагностикасини ҳамда ҳар бир клиник даврида мос ҳолда даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва касалликнинг чўзилиб кетишининг олдини олиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Касалликни камайтиришга қаратилган комплекс профилактика чоратадбирларга қарамасдан тери лейшманиозини тўлиқ йўқотишнинг иложи бўлмапти, шу билан бирга бу кунга қадар даво чораларининг етарлича самарадорлиги бўлмаётгани долзарблигича қолмоқда.

Ҳозирги даврда олиб борилаётган ишлар жароҳат инфекцияларини даволашнинг янги усулларини топишга қаратилган.

Муаммонинг ишлаб чиқилганлик даражаси: Олиб борилаётган илмий изланишнинг асосий муаммоларидан бири зонооз лейшманиоз кўзгатувчиларига етарлича этиотроп дори-дармон ва усулларнинг ишлаб чиқилмаганлиги. Шу мақсадда зонооз тери лейшманиозни даволашда этиотроп таъсир қилувчи метилен кўки препаратини АЛТ-Восток модел-03 аппарати билан фотодинамик даво усулини қўллаш самарадорлигини кўриш.

Ишнинг мақсади: Тери лейшманиозининг кечишида эрта диагностика қилиш учун клиник босқичларини аниқлаш ва мос ҳолда даво тизимини такомиллаштириш.

Қўйилган вазифалар:

1. Тери лейшманиози билан оғриган беморларда яраланишгача бўлган даврда эрта ташхис қўйиш учун эпидемиологик, клиник ва лаборатор ташхисот усулини такомиллаштириш.

2. Тери лейшманиозининг эрта тугунли ва яраланиш босқичида этиотроп даво чораларини танлаш. (Метилен кўкини АЛТ Восток модел-03 аппарати ёрдамида қўллаш)

3. Тери лейшманиозининг эрта тугунли ва яраланиш босқичида этиотроп даво чораларининг клиник натижаларини баҳолаш.

Тадқиқот объекти ва предмети: диссертация ишида тадқиқот объекти бўлиб зонооз лейшманиознинг эрта туганчали шакли билан оғриган ва эрта диагноз қўйилган беморлар, ҳамда зонооз лейшманиознинг яраланиш даврида аниқланган 120 нафар беморлар ҳисобланади. Тадқиқот ишини олиб боришда эпидемиологик анамнез ва эндемик ўчоқларда тарқатма материаллар орқали беморларни эрта аниқлаш ва аниқланган беморларда касалликнинг эрта босқичида асосий гуруҳ сифатида лаборатор текширувлар натижасида диагнозни асослаш ётади. Зонооз лейшманиози аниқланган беморларнинг асосий гуруҳида метилен кўки билан АЛТ Восток модел-03 фотодинамик даво усулини ўтказиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш.

Илмий тадқиқот методлари: диссертация ишини бажарилишида эпидемиологик, клиник, паразитологик, лабаратор ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Кутилаётган илмий янгилик: мазкур илмий изланиш тери лейшманиозининг эрта диагностикасини аниқлашда, шу билан биргаликда тугунли ва яраланиш босқичида эрта қўлланган этиотроп даво чоралари ҳисобига (метилен кўкини АЛТ Восток модел-03 аппарати билан фотодинамик даво) жараённинг секинлашишига эришилади. Яраланишнинг ўлчамини ва ундан кейинги қоладиган атрофик чандиқланишни камайтиришга олиб келади. Регенерацияланишни тезлаштириб касаллик давомийлигини камайтиради.

Илмий изланишнинг амалий аҳамияти: ханузгача зонооз тери лейшманиози билан касалланган беморларга этиотроп таъсир этувчи самарали даво усулининг йўқлиги ва метилен кўкини АЛТ Восток модел-03 аппарати билан (фотодинамик даво усулини) яраланган соҳага қўллаш орқали яраланиш даврининг давомийлигини қисқартиришга эришиш.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши: диссертация мавзуси бўйича жами 5 та чоп этилган илмий иш, жумладан, миллий журналда 1та, хорижий журналда 1та илмий мақола, шунингдек, 3та тезис нашр этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми: диссертация кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқот материаллари усуллари, уч бобдан иборат шахсий кузатувлар, муҳокама, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация иши 70 саҳифа матнда баён этилган бўлиб, 4та жадвал ва 7та расм билан иллюстрацияланган.

I БОБ. Адабиётлар шарҳи

1.1 Тери лейшманиози ҳақида умумий маълумот

Тери лейшманиози (Баровский касаллиги, ёмон яра) жуда кенг тарқалган паразитар касаллик бўлиб, эндемик трансмиссив характерга эга. У аксарият иқлими иссиқ бўлган ўлкаларда учрайди. Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навои, Хоразм, Бухоро ва Жиззах вилоятининг айрим ҳудудларида бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам касалликнинг эндемик ўчоқлари бор.

МДХ давлатларидан, айниқса, Туркменистоннинг барча ҳудудларида касаллик кенг тарқалган. Тожикистон ва Кавказorti республикалари, жумладан, Озарбайжон ҳам бундан мустасно эмас. Касалликнинг турлича синонимлари мавжуд: масалан, Баровский касаллиги, Пендин, Ашхобот, Афғон, Боғдод яраси. Яна айтиш жоизки, касаллик қаерда учраса шу жойнинг номи билан аталган.

Қадимдан Марказий Осиёда асосий эндемик ўчоқ Афғонистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларига тўғри келган.

Лейшманиоз одамларда ва ҳайвонларда учрайдиган трансмиссив протозой касаллик бўлиб, қузғатувчиси лейшманийлар ҳисобланади. Касаллик искабтопар чивинлар орқали юқади. Лейшманиоз бутун дунё бўйича 98 та давлатларда эндемик ҳолда учрайдиган, тропик касалликдир [11,20,28,43,44].

ЖССТ нинг маълумотиға кўра 350 миллион киши бу касаллик билан касалланган. Ҳар йили 14 миллион киши ушбу касаллик билан касалланади. Ўзбекистонда тери лейшманиози ва зооноз лейшманиоз тарқалган [3]. Зооноз ёки ўткир некротик тери лейшманиози (синоними: қишлоқ лейшманиози, пендин яраси, шарқ яраси, ўткир некротик лейшманиоз, мурғоб яраси) [56]. Тери лейшманиози : Ўрта Осиёда (Туркменистон, Ўзбекистон) Кавказorti, Афғонистон, Яқин Шарқ ва Африка давлатларида тарқалган. Тери лейшманиози туризм ривожланиши билан нафақат эндемик ҳудудларда

балки бошқа географик ҳудудларда ҳам тез-тез учрамоқда. Эндемик ўчоқлар асосан чўл ҳудудлардаги қишлоқ ва шаҳар чеккаларида учрайди [4]. Ёзги мавсумий касалланиш искабтопарларнинг фаоллик даври билан боғлиқ.

Инфекция манбаи лейшманиознинг хилига боғлиқ. Жумладан, зооноз қишлоқ типига касаллик манбаи бўлиб, умуртқали кемирувчи ҳайвонлар – катта қумсичқон, қизил думли қумсичқон, юмронқозиқ ҳисобланса, шаҳар типига эса бемор одамдир. Тери лейшманиозининг зооноз турида касалликнинг инкубацион даври бир неча кундан икки ойгача муддатни ташкил қилади. Касалланиш юқори чўққисига етган эндемик зоналарда инкубацион давр 5-15 кун бўлиши мумкин. Ушбу муддат ўтгач, чивин чакқан жойда дўмбоқча (бугарок) вужудга келиб, улар катталашишга мойил бўлади. Уларнинг консистенцияси қаттиқ инфилтратланган бўлиб, ранги қизғиш, бир оз кўкимтир, ўткир яллиғланган характерли бўлиши билан биргаликда бироз оғриб туради. Думбоқчалар аввалига қизғиш тусли ясси бўлади, кейинчалик конуссимон шаклга киради ва катталиги 2-4 мм га етади, фурункулни эслатади. Фақатгина улар фурункулдан ҳажмининг кичиклиги, зичлигининг камлиги ва нисбатан оғриқнинг зураймаслиги билан тафовут қилади. Умуман олганда думбоқчаларнинг инфилтратланиши касалликнинг 2-3 кунига бориб 7-8 мм, баъзан 14-18 мм гача ҳажмни эгаллайди. Инфилтратланишнинг кенгайиши ҳисобига яллиғланиш ва шиш дўмбоқчанинг перефириясига қараб ёйилиб боради. Думбоқчали босқич якунида унинг марказидан зудлик билан кечадиган некротизланиш бошланади. Унинг юзаси қора қутир пўст билан қопланиб туради. Кейинчалик 2-4 см катталиқдаги яралар юзага келадию уларнинг қирраси нотекис, йиртилган, маркази чуқурлашиб атрофига ёйилишга мойил бўлади. Аксарият ҳолларда даволанмаган яраларнинг ичи некротик-йирингли ва ёпишқоқ қонли масса билан тўлиб туради. Одатда тери лейшманиозида яралар гир атрофидаги тўқималар худди фурункулдаги каби яллиғланиб шишиб кетади. Лекин фурункулга нисбатан кам оғриши ва яра марказида ўзакли некротик йиринг бўлмаслиги билан фарқ қилади. Ундан ташқари, лейшманиозда яранинг яна

бир ўзига хос хусусияти бор, бунда яранинг некротик юзаси очилиб кетганидан сўнг ҳам оғриқ давом этади, хатто у кучаяди. Инфилтратланган яра атрофидаги некрозланган тўқиманинг ажралиши кучайиб боради. Баъзан некрозли-некротикли шилимшиқ ёпишиб қолади. Шунинг учун зооноз тери лейшманиозининг бундай кўриниши фурункулоид-некротик лейшманиома дейилиши одат бўлиб қолган.

Дўмбоқчанинг инфилтратланган перефирик қисми худди юлиб олгандан нотекис некрозланиб кўчиб боради. Бунга кейинчалик янги ўчоқлар ҳам қўшилиб кетади. Оқибатда яраларнинг диаметри 1-2 см дан 3-4 см гача этади.

Некротик массадан озод бўлган яраларнинг қирралари нотекис бўлиб, кўринишидан йиртилган терини эслатади.

Хуллас, юқорида таъкидланганидек касалликнинг клиник кечишида хасталикнининг ярали даври бемор даволанмаганда 2 ойдан 4 ойгача давом этиши мумкин. Лекин беморларнинг индивидуал аҳволи, яраларнинг жойлашган ўрнига қараб, ушбу муддат турлича кечади.

Тери лейшманиозининг кенг тарқалганлиги буюк аллома, шифокор Абу Али ибн Синонинг „Тиб конунлари„да алоҳида акс эттирилган. Бунда Балх язваси, уни даволаш методлари ва энг асосий муҳим фикр бу касалликнинг зарарланган чивин чаққанида юқиши ҳақидаги фаразлар бор. Буюк ватандошимизнинг бу фикри XX асрнинг 20-30 йилларда экспериментал равишда ўз тасдиғини топди [60].

Ҳозирги даврда Ўрта Осиё шаҳарларида вецирал ва тери (шахар тури) лейшманиози деярли йуқотилган, лекин зооноз тери лейшманиози ўз ўрнига эга [24, 31].

Лейшманиоз асосан иссиқ иқлимли ўлкаларда эндемик тарқалаган трансмиссив касалликдир. Тери лейшманиози ёки Боровский касаллиги лейшманийлар билан зарарланиб бўлган қон сўрувчи флеботомус чивинлари одамни чаққанида юқади. Трансмиссив касалликлар гуруҳига киради. Асосий эпидемиологик ўчоқлар бу- Ўзбекистон ва Туркменистон ҳамда

Қозоғистоннинг бир қанча ҳудудларидир. Бу воҳаларда касалликнинг пайдо бўлиши аҳоли касалланиш даражаси турли хил ва уларнинг ҳар бирида ўзига хослик мавжуд. Бундай ҳолат аҳоли яшаш жойлари ва табиий ўчоқларнинг жойлашувига, аҳолининг ўчоқлар билан мулоқот даражаси ва иммунитетга боғлиқ [22].

Тери лейшманиозининг тарқалиши кўп жиҳатдан маълум бир географик минтақада жойлашган маҳаллий ҳудуднинг экологик шароитига, ҳамда манба билан қузғатувчининг бир-бири билан, берилувчан организм билан ташувчининг узаро таъсири сабаб бўлади. Бу эса айнан шу ҳудудларда доимий равишда профилактика ва эпидемияга қарши чора тadbирларни такомиллаштиришни талаб этади. Диагноз қўйишда касаллик тарихини ўрганиш, бемор эпидемик ўчоқда бўлган бўлмаганлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Касалликнинг клиник манзараси, яралар четларида жойлашган лимфангитлар, яраларнинг некрозланиши, атрофдаги тўқима грануляциялари, безиллаган оғриқ шунингдек, лабаратория текширувида касаллик қузғатувчиси борлигини аниқлаш эса ташхис тўғри эканлигининг кафолатини беради [14]. Статистик маълумотларга қараганда охириги 5 йил ичида (2012-2016) республикада тери лейшманиози билан рўйхатга олинган касаллар сони 3,7 маротаба ошган ва 2012 йилда 213 тадан 2016 йилда 800 тага етган. Интенсив кўрсаткич 2,5 га тенг бўлди. Тери лейшманиози энг кўп учрайдиган эндемик ўчоқлардан бири Бухоро вилояти ҳисобланади. Сўнги 2016 йил давомида Бухоро вилоятида тери лейшманиозининг учраши 1,5 баробарга ошиши кузатилди ва интенсив кўрсаткич 5,8 ни ташкил қилди ва бу республика кўрсаткичидан 2 баробарга кўплигини (Республикада 2,5) кўрсатди. 2014 йилда рўйхатга олинган касаллар сони 50 тани, 2015 йилда 66 тани ташкил этган бўлса 2016 йилга келиб 105 та бемор рўйхатга олинди, яъни касалланиш 39 тага кўпайган. 2016 йилнинг ўзида касалликнинг энг юқори интенсив кўрсаткичи Қоровулбозор туманида кузатилиб у 29,2- га Вобкент туманида 13,8- га Шофирконда 9 га Когонда 8,5- га Пешкуда 7,9- га Жондорда 7,4- ва Олотда 6,5- га тенг бўлди.

Қолган туманларда бу кўрсаткич 1,7 дан 4,6 гача тенг, яъни бу туманларда вилоят бўйича кўрсаткич паст бўлди. Вилоятда асосан зооноз тери лейшманиози кузатилган. Касалланганларнинг асосий қисмини (53%) 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этди. Тери лейшманиозининг думбоқча шакли 32%, ярали шакли 48%, лимфангоит билан асоратланган шакли 20% беморларда кузатилди. Беморларнинг 60% да ўчоқларнинг иккиламчи йирингли инфекция билан асоратланганлиги қайд қилинди [19].

Шуни таъкидлаш керакки, табиий қўзғатувчилар жойлашув тури ва характери ўзгариши билан, москитларнинг янги яшаш жойлари пайдо бўлади [13]. Кўп йиллик ЗТЛ касалланишлар анализи шуни кўрсатадики, ҳар 5-7 йилда кўтарилишлар кузатилади ва 2-3 йил давом этиши мумкин [21].

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ЗТЛнинг инфекция манбаи бу катта қумсичқон ва қизил думли қумсичқони, ташувчиси эса москитлардир (*Phlebotomus paratasi*). Катта қумсичқонининг тери лейшманиозини келтириб чиқариши ҳар хил ўчоқларда 12,3 % - 98,2% гача, қизил думли қумсичқониники эса 9,2% -15,2 % эканлиги кўрсатилиб ўтилган. Касалликка клиник, қолаверса, лаборатор ташхис қўйишда ҳасталикнинг тарқалиши ва географик харитасини билишнинг аҳамияти катта. Авваламбор қўзғатувчини ташишга мослашган чивинлар ҳаёт цикли ва фаолиятини амалга оширишда иссиқ ҳавонинг ўрни бор. Кундалик ҳавонинг ўртача ҳарорати +20 С дан паст бўлмасагина чивинлар лейшманияларни ташиш имконига эга бўлади ва улар чивинлар ичагида ривожланади. Шунинг учун ҳам тери лейшманиозининг эндемик учоқлари тропик ва субтропик давлатларда учрайди [23].

Касалликнинг клиник кечишида ҳасталикнинг ярали даври бемор даволанмаганида 2 ойдан 4 ойгача давом этиши мумкин. Лекин беморнинг индивидуал аҳволи, яраларнинг жойлашган ўрнига қараб, ушбу муддат турлича кечади.

Касалликнинг энг кўп тарқалган махсус асоратларидан бири бу – кейинги думбоқчаларнинг юзага келишидир. Одатда яралар пайдо бўлгандан кейин ёки сал кечроқ очилмаган инфильтратлар атрофидан ёки уларга яқин

жойларда якка-якка, баъзан бир нечта, катталиги 2-5 мм ли дўмбоқчалар пайдо бўлади. Дўмбоқчаларнинг шакли юмалоқ, ранги эса тўқ-қизил бўлиб, кўзга ташланади.

Дўмбоқчалар асосий лейшманиома билан қўшилиб кетиши ҳам мумкин ва яраларнинг нотекисланишига сабаб бўлади. Дўмбоқчалардан олинган суртмаларда асосий яраларга қараганда кузғатувчининг сони кам бўлади. Одатда зооноз кишлоқ типдаги лейшманиозда 75-80% ҳолатларда дўмбоқчалар пайдо бўлади.

Лейшманиознинг яралари стадиясидаги махсус асоратларидан бири бу – лимфангит ва лимфаденит ҳисобланади. Одатда улар яралари даврнинг иккинчи ярмида пайдо бўлади. Лейшманиялар лимфа томирлари орқали ҳаракат қилади ва (миграцияси бошланади) лимфа тугунларигача етиб боради. Оқибатда лимфа безлари яллиғланади. Зарарланган тугунларнинг катталиги кичик нухат донасидан катта ёнғокдек бўлиши мумкин, бошида улар унчалик оғримайди. Лимфа безлари устидаги тери коплами аввалига таранг бўлиб тортилади, сўнгра безлар катталашган сари тери юзаси бир оз ёпишиб кўкимтир-қизилнамо тусга киради. Кейинчалик тугунлар консистенцияси худди хамирга ўхшаб бўшашади ва оғрийдиган бўлиб қолади. Яллиғланиш кучайиб боради ва баъзи тугунлар ҳатто яраланиши ҳам мумкин. Қолганлари эса узоқ вақт сақланиб туради. Носпецифик асоратларнинг ривожланиши бемор организмнинг индивидуал қаршилигига боғлиқ. Лекин бу муаммонинг иккинчи томони ҳам бор. Бу ҳолат лейшманиозда яралар кўпроқ тананинг қайси соҳаларига жойлашганлиги билан ҳам баҳоланади.

Агарда лейшманиозли яралар беморнинг тиззаси, тўпиғи юзасида ёки тирсаги юзасида жойлашган бўлса, унда беморлар меҳнат қobiliятларини анча вақтгача йўқотади. Доимий равишда бўғимлар устидаги яраларнинг қайта-қайта травмаланиши яралардаги эпителизация жараёнини сустлаштиради. Иккиламчи пиококк инфекциянинг ривожланишига сабаб бўлади. Бундай вазиятларда яралар атрофи яллиғланиб шишади, ранги

кизилнамо кўкимтир тусга киради ва оғриқ ортади. Баъзан беморларнинг тана ҳарорати кўтарилади, умумий аҳволи ёмонлашиб бўшашиб қолади. Ҳатто пиоген лимфангитлар ривожланади. Жараён ўткир кечади, фақатгина антибактериал терапия ёрдамида бир неча кун ичида яллиғланиш пасайтирилади.

Ўзбекистон ҳудудида тери лейшманиозининг 3 та тури яъни *L.majore*, *L.turanica*, *L.gerbilli* турлари ажратиб алоҳида таъкидланган[17].

Одамда зооноз тери лейшманиозини фақат *L.majore* келтириб чиқаради, лекин чегараланган тадқиқотларнинг маълумотига қараганда, *L.turanica* одамда дерматознинг абортив турини келтириб чиқаради ва кейинчалик бу *L.majore*ни ривожланмаслигига олиб келади [26].

Лейшманиоз қайси бир туридан катъий назар икки босқичли ҳаёт циклини ўтайди; Хивчинсиз (амастигот) хужайра ичида (одам танаси ва талоқ, жигар, суяк кумиги, лимфа тугунлари, макрофагларда) ва хивчинли (промастигот) ҳаракатли (ташувчи москитларнинг ичак бушлигида). Амастигот лейшманийлар овал ва юмалоқ формали, 3-5 мкм. Промастигот ҳаракатли формаси хивчинли (узунлиги 10-20 мкм, эни 4-6 мкм) кўринишга эга [70].

Лейшманиоз яраларининг локализацияси экоташувчиларнинг трансформациясига боғлиқ. Мисол қилиб олганда Х. М. Мутафоев ва бошқаларнинг тадқиқотларида лейшманиоз билан касалланганларда лейшманиоз яраларининг тананинг юз қисмида қўл оёққа нисбатан камлигини кузатади [38,39].

Шуни таъкидлаш керакки, тери лейшманиози турғун, бир умрлик иммунитет ҳосил қиладиган паразит касалликлар қаторига киради. Лейшманиозлар хужайра ичи паразитлари бўлиб хўжайиннинг гистиофагоцитар хужайрасига кириб олиш, трансформация қилиш, кўпайиш, яшаш қобилиятига эга бўлганлиги учун организмнинг жавоб реакцияси ўзига хос хусусиятларга эга [65].

1.2 Тери лейшманиозининг патогенези ҳақидаги қарашлар

Лейшманийлар терига кирган жойда макрофаглар ичида кўпаяди ва махсус гранулемалар лейшманиома ҳосил қилиб ўчоқли яллиғланишга сабаб бўлади. Лейшманиомалар макрофаглардан, эпителиал ва плазматик хужайралардан, лимфоцит ва фибробластлардан ташкил топган бўлади. 1-3 ҳафтадан кейин гранулемалар деструкцияланиб яраларни ҳосил қилади. Лейшманийлар кўп ҳолларда лимфоген йўллар орқали тарқалиб лимфангит ва лимфаденитни келтириб чиқаради.

Тери лейшманиозда турғун иммунитетнинг ҳосил бўлиши, тери лейшманиози билан касалланган беморларда 2-ойдан ҳосил бўлади. Организмда специфик иммунитетнинг аста-секин шаклланиши лейшманийларни организмдан тозаланишига сабабчи бўлади [49,50].

Ҳап шундаки, тери лейшманиозда иммунитет ҳақидаги тушунчалар бир неча йилдан бери муҳокама қилинади [16,42]. Кўпчилик авторларнинг тушунтиришича, тери лейшманиозда турғун иммунитетнинг ҳосил бўлиши, касалликка нисбатан одам организмнинг хужайра, иммун жавоби [61]. Тери лейшманиозда специфик антителаларнинг синтез қилинишида хужайравий иммунитет билан бир қаторда гуморал иммунитетнинг ҳам аҳамияти катта [123]. *In vitro* тадқиқотларда хужайравий иммунитетнинг ҳосил бўлиши антителалар ишлаб чиқишига боғлиқлиги аниқланган. В- лимфоцитларнинг периферик қонда ўз вазифасини йўқотиши иммунокомпонент хужайралар кооперациясининг бузилиши ҳамда қоннинг супрессив активлигининг ошишига боғлиқ [35]. Организмнинг иммун жавоби билан боғлиқ бўлган зиддиятлар кўп ҳолларда иммун статусни аниқлашда турли хил лаборатор методларнинг қўлланилиши, антигенларнинг ўзига хослиги ва ҳаттоки лаборатория ишчиларининг субъективлигига ҳам боғлиқ [16]. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, иммун статусни текширишдаги заруриятлар, турғун иммунитетнинг ҳосил бўлишидаги саволларнинг ечилишида, тери лейшманиозини асоратли формаларининг ривожланишида, (хусусан металеишманиоз) иммун статусни ўрганишдаги заруриятларни кўрсатади [118].

Иммунитет ривожланишининг асосий масалаларига индивидуал профилактика киради, бунда лейшманиознинг вирулент формаларидан тайёрланган эмлашлар асосий роль ўйнайди [81,97].

Тери лейшманиозининг потогенетик асосланган давосини ишлаб чиқишда асоратли формаларининг тез-тез учраши организмнинг иммун тизими билан боғлиқлиги (иккиламчи иммунодефицит ҳолати), яллиғланиш цитокин бузилишлар оқибатида эканлигини ҳисобга олиш керак [18]. Зооноз тери лейшманиозининг кечиши турли хил клиник кўринишда намоён бўлади, лимфа тугунлар ва лимфа томирларда регионар яллиғланишлар кузатилиб улар катталашади. Беморларда кўпинча жиддий эстетик ва психологик муаммоларни келтириб чиқаради. Даво режаси ҳар бир беморга нисбатан индивидуал тузилади. Бунда яраларнинг жойлашган ўрни, уларнинг катталиги ва сони, асоратланган ва асоратланмаганлиги эътибордан қолмаслиги лозим [29]. Абидова З.М ўз тадқиқотларида тери лейшманиози билан оғриган беморларнинг қон таҳлилида азот оксидининг қон зардобда назорат гуруҳига нисбатан 1,5 баробар ошганлигини ва бу кўрсаткич тери лейшманиозининг асоратли формаларида яна ҳам баландроқлигини аниқлайди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, тери лейшманиозини даволашда комплекс терапияни қўллашда қон зардобдаги азот оксиди миқдорини ҳисобга олиш кераклигини айтиб ўтади [2].

1.3 Даволаш усуллари

Л.М. Исаева (Самрқанд шаҳри) номидаги паразитология институтида олиб борилган оммавий лейшманиозга қарши эмлашлар ўзининг эпидимиологик самарасини кўрсатди [30,58].

L.major га қарши иммунизацияда айрим ҳолларда бактериал қўшимчаларни қўшиб комбинациялашган вакциналар қўлланилди [112].

Лейшманиозга қарши кенг доирадаги профилактика ишларини олиб боришга қарамасдан лейшманиозни тўлиқ йўқотишни иложи бўлмаётганлиги бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда [65,66].

Тери лейшманиози билан касалланган беморларни самарали даволашда қўлланиладиган дори воситалари устида изланиш актуал муаммо бўлиб қолмоқда [91,120].

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, бактериал инфекциялар, айниқса, стрептококклар ва тилла ранг стафилококклар лейшманиозни ярали жараённинг асоратланишида катта роль ўйнайди.

С.М. Ходжаева ўз мақоласида лейшманиоз касаллиги билан оғриган беморларнинг клиник белгилари, ташхисоти ва даволашни ёритган. Лейшманиоз касаллигининг зооноз турида текширув ва этиологик даволаш ўз вақтида ўтказилганда самарали натижа беришини айтиб ўтган. У қуйидагиларни тавсия қилган: Sol.Ceftriaxonі 1.0 м/о кунда 2 маҳал. Sol.Actovtginі 2.0 м/о кунда 1 маҳал.Sol. Vit B1,B6 1.0 м/о кунора N5. Tab.Doxycyclinі 0.1 1таб кунда 2 маҳал.Tab.Diazolinі 0.1 ½ кунда 2 маҳал. Tab.Delagilі ½ табдан кунда 1 маҳал.Tab.Nistatinі 500.000 ЕД ½ табдан кунда 3 маҳал. Маҳаллий: Фурацилин билан примочка, анилин бўёқлари, 10% дерматоловая мазь, 10% ихтиол мази [52].

Тери лейшманиозини даволаш учун бир неча хил кимёвий препаратлар, антибиотиклар, жарроҳлик муолажалари, иммунобиологик дори воситалари, физик даволаш усуллари (криотерапия, термотерапия), энзимотерапия, фитотерапия каби даволаш усуллари қўлланилмоқда [93,97].

Дунёнинг кўпгина давлатларида қўлланиладиган дори воситаларидан 3-5 валентлик антимониатларнинг карбонгитлар билан ҳосил қилган бирикмаларидир: (фуадин, (стибофен), стибенил, уреастибамин, глюкантим, пентостам) [86]. Пентостам (содиум стибоглюконат) ва глюкантим (меглубина антимониат) бу икки эквивалент препаратлар бўлиб, ТЛ даволашда ишлатилади [87].

Антимониат терапияни эффективлигини ошириш мақсадида кунлик қабул қилаётган миқдорни ошириш ёки даво курсини узайтириш каби кўплаб ўзгартиришлар киритилди [105].

Авторлар тавсиясига кўра, даволаш сурьма препаратларни кунда 20 мг/кг 20 кун давом эттириш, 6 ҳафтадан сўнг клиник текширув ўтказиш ва 1 йил давомида рецидивларни олдини олиш мақсадида беморлар кузатувда бўлишди. Пентоспан мушак орасига ва вена ичига инъекция кўринишида қўлланилади. Инъекциялар секин (5 мин кам эмас) ва керакли игна диаметрда (тромб ҳосил бўлмаслиги учун) юборилади [116].

Америкалик авторларнинг тадқиқотларида антимониатларни ишлатилганда ТЛ да 60%-90% соғайиш кузатилган [90,122].

Яқин Шарқ давлатларида ҳам шунга ўхшаш антимонопиялар билан кузатувлар олиб борилди. Ben Salax A. et Al. рандомизацияланган кузатувлар олиб боришганда, Тунисда яшовчи аҳоли орасида ТЛ билан касалланган (кўзгатувчиси L.major.) 111 нафар бемор ўчоғига глюкантим юборилиб самарадорлиги кузатилган, назорат гуруҳи эса плацебо қабул қилган. Ўтказилган даво курсини 15, 45 ва 105 суткасида клиник ва паразитологик самарадорлик кузатилганда ҳар икки гуруҳда ҳам фарқ кузатилмади, шуни инобатга олиб кўрсатилган даво самарасизлиги исботланди [103].

Африка давлатларининг айрим адабиётларида ТЛ даволаш бўйича маълумотлар бор. Алжирда 200 нафар ТЛ билан касалланган беморларга (қўзғатувчиси *L.major*) 60 мг/кг/сут глюкантим препаратини 15 сутка давомида қабул қилишди. Клиник даво ҳар иккала гуруҳда 1 ой давомида 48% ни кўрсатди [85]. Кенияда 10 нафар ТЛ билан касалланган беморлар пентоспам препарати билан 15 мг/кг/сут 30 кун давомида даволанилди, 2 ойдан 6 ойгача кузатилаётган беморларнинг ярмида тўлиқ тузалиш кузатилмади [73]. Суданда 110 нафар ТЛ билан касалланган беморларнинг оғир кўринишида (қўзғатувчиси *L.major*) пентоспан препаратини 600 мг/кг/сут 21-30 кун давомида берилди. Даво охирида клиник соғайиш 108 та касалда кузатилди [72]. Gurel M.S.et al 55 нафар ТЛ билан касалланган беморга пентоспан преператини яранинг ўзига жўнатишди. Даво курси кунора 10 та инъекцияни ташкил қилди. Авторлар 92% беморда ҳолат яхшиланганлигини таъкидлашди [100].

Л. Д. Тищенко резистент формали ТЛ билан касалланган беморларни комплекс даволаш таклифини киритишди. Бунда катталарга м/о глюкантим препаратини 5 мл (1,5 мг) суткасига 2 марта 5-7 кун давомида урилди. Кейинчалик глюкантим шу дозада (1,5 мг) кунда 1 маҳал 10 кун давомида м/о жўнатилди. Заруриятга кўра антибиотик ҳам қабул қилинди. Комплекс даво ўз ичига айрим коферментларни қабул қилишни ҳам ўз ичига олди (кокарбоксилаза, пиридитиол ва бошқалар), синтетик ретиноидларни (тигазон ва роаккутан) ва ҳаттоки гелментларга қарши давои ҳам. Бу даво методи авторларнинг келтиришича 100% касалларда ўз самарасини берди [41].

Сурьма препаратининг самарадорлигини ошириш, ножўя таъсирини камайитиш мақсадида унинг янги формаларини қўллаш ишлаб чиқилди. Экспериментал тадқиқотларда шу аниқландики, натрий хлор эритмаси бўлган фосфолипид ва холестерин асосида махсус липосомаларда инкапсулаланган сурьма бу бирикмаларнинг самарадорлигини юз баробарга ошишига, ҳамда токсик таъсирни сезиларли пасайишига олиб келади [88]. Тадқиқотларда келтирилгандек, бу гуруҳ дори воситаларининг ножўя таъсирлари кўнгил айланиши, қайт қилиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, терига тошма тошиши, артралгия, миалгия, кўринишида намоён бўлади. Ундан ташқари препаратлар кардиотоксик, нефротоксик, гепатотоксик бўлиб, ўткир панкреатит чақириши ва қон яратиш тизимида панцитопения келтириб чиқариш хусусиятига ҳам эга [106]. Нерburn et. al. ва бошқалар сурьма препаратини қабул қилаётган тери лейшманиози билан касалланган беморларда транзитор лейкопения ва жигар ферментлари даражаси ошганлиги ҳақида маълумот келтиради [105]. Бундан ташқари шу аниқланганки, сурьма препарати тавсия қилинганда антимикроб препаратларни қўшимча қилиб бериш зарур, чунки сурьма препарати етарли даражада бактериал флорага таъсир қила олмайди [33,68]. Уни ёши катта ва қари одамларда қўллаш кутилган натижаларни бермаслиги ҳақида ҳам маълумотлар бор [50,127].

In vitro тадқиқотларида шуни аниқланганки, лейшманиозга қарши таъсирга эга бўлган пентамидин (ломидин) ва амфотерицинни тери лейшманиозида қўллашда уларни парентерал қабул қилишни талаб қилади [78,86]. J. Soto-Mancipe et al. тадқиқотларида пентамидиннинг самарадорлиги глюкоконтим билан тенглиги аниқланди, аммо 20% касалларда бу препарат ўзининг гипогликемия, гипертензия, тахикардия, ошқазон-ичак тизимида ўзгаришлар, терига тошма тошиши каби ножўя таъсири билан бу препаратни қўлламасликка сабаб бўлди. Бундан ташқари бу препарат баъзан буйрак ва жигар етишмовчилигига олиб келади, шунинг учун ҳам бу препарат ТЛ даволашнинг танлов препарати бўла олмайди [127]. Тери лейшманиозида сурьма препаратларига резистентлик ҳолатларида пентамидин препаратларидан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган эди.

J. Soto-Mancipe et al. тери лейшманиозини Колумбияда пентамидин препарати билан самарали даволашгани кўрсатилган [127]. Аммо пентамидиннинг самарасизлиги ва энг асосийси полиневрит ва қандли диабет кўринишидаги ножўя таъсирларни ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар бор [109].

Дори воситаларини ишлатишда яна бир йўналиш, моховни даволашда қўлланиладиган сульфон препаратлари, хусусан, Дапсон ёки ДДС (диамино-дифенинсульфон) препаратлари 1941 йилдан бери қўлланилмоқда. Дапсон препарати кунига 200 мг миқдорда 120 нафар тери лейшманиози билан касалланган беморларга буюрилганда беморларнинг 82% да клиник шифо берди. Шуни таъкидладиларки, Дапсон препаратининг антилейшманиоз таъсири фосфолипидлар ва фолий кислотаси синтезига таъсири билан боғлиқ. Гистологик текширувларни ўтказиш касалликнинг қайталаниши билан боғлиқ саволларга жавоб бўла олади [96]. Кейинчалик дапсон препаратини қабул қилганлар касалликнинг рецидивланиши мумкинлиги тўғрисидаги саволларга жавоб тариқасида гистологик текширувлардан ўтиш кераклигини айтиб ўтишган [101].

Амфотерицин В антибиотикнинг антилейшманиоз таъсири етарлича ўрганилмаган, чунки қабул қилиниши унинг токсик таъсири билан чегараланади. Аммо баъзи текширувларда 0,5-1,0 мг/кг (курс дозаси 1-3 г ни ташкил қилган) амфотерицин В нинг қўлланилиши тери лейшманиози билан касалланган беморларда яхши самара берган (ВОЗ, 1990).

Содда жониворлар чақирадиган бошқа касалликларни даволашда ўз ўрнини топган кейинги гуруҳ препаратлари - метронидазол (трихопол, флагит ва бошқалар). Бироқ, бу препаратларни қўллаш тадқиқотчилар орасида турли хил зиддиятларга сабаб бўлди. Яманда 110 нафар ТЛ билан касалланган беморларга метронидазолнинг лейшманиозга қарши таъсири поливитамин билан биргаликда синовдан ўтказилди. Метронидазол препарати 0,2 гр кунда 4 маҳал 7 кун давомида тавсия қилинди, бир ҳафталик танаффусдан кейин 0,2 гр кунда 3 маҳал 14 кун давомида берилди. Умумий даvonинг довомийлиги 4 ҳафта давом этди, метронидазолнинг суммар дозаси 9,8 грни ташкил қилади. Шунинг қўрсатиб ўтиш керакки, ушбу даволаш методикасида лейшманиоз яраларинг чандиқланиши даво бошлангандан кейин 6-7 ҳафтадан кейин бошланади, шу билан бир қаторда ножўя таъсир қўрсатмайди [41]. Метронидазол препаратининг ТЛ да қўлланилиши билан боғлиқ бўлган ўхшаш маълумотлар бошқа текширувларда ҳам олинди [115].

Қувайтда яшовчи ТЛ билан касалланган беморларда триметоприм-сульфаметаксазол препарати синовдан ўтказилди, кузатув остида 36 нафар ТЛ билан касалланган беморлар бўлиб бу препарат кунда 2 таб 3-4 ҳафта давомида берилди, 36 та бемордан 33 тасида 3 ҳафтасидан 14 ҳафтасигача клиник соғайиш рўйхатга олинди [111].

Антибиотик –рифампицин препаратини клиник самарадорлигини ўрганиш мақсадида 600-1200 мг/сут кўпгина тадқиқотлар олиб борилди [92]. Рифампицин препаратини самарадорлигини ошириш мақсадида комплекс терапияга фтизиатрияда кенг қўлланиладиган препарат-изониазидни қўшиш таклифи берилди [121]. Бу метод ТЛ даволашда кўзғатувчиси *L.majior* бўлганда яхши самара берди, кўзғатувчиси *L.aethiopica* бўлганда

самарасизлигини кўрсатади [114]. Кўп йиллар давомида ТЛ даволашда антибиотиклар қаторидан мономицин асосий препарат бўлиб ҳисобланган ва унинг самарадорлиги кўпгина тадқиқотларда исботланган [5,9,10,55,67,68,69]. Одатда стационар шароитда мономицин 1 кг тана вазнига кунига 3 маҳал мушак орасига 5000ЕД ҳар 8 соатда тавсия қилинади. Дово курси ТЛ билан касалланган беморларда 9-12 млн мономицинни ташкил қилади. Даволаниш вақтида ТЛ кўзғатувчиси 5-8 кундаёқ аникланмайди, специфик инфилтратлар давонинг 3 ҳафтасида сўрила бошлади. Бир курс даво қилиш ТЛ билан касалланган беморларда соғайишни кўрсатди. Айрим ҳоллардагина тошмаларнинг секин регрессияланиши ҳисобига даво курси такрорланилди [7,25].

Мономицин препаратини эффективлигини ошириш мақсадида бир қанча комплекс даво методлар қайта ишланди. Р. С. Добржанская ва автордош мономицин билан билан бир қаторда протеолитик фермент – иммозимазни қабул қилиш таклифини киритди, 23 нафар зооноз ТЛ билан касалланган беморларда қўллашди ва бу касаллар яраланиш босқичида эди. Авторларнинг айтишича даво бошлангандан сўнг 4-7- кунларида яра йирингли некротик массада тозаланди. Клиник соғайиш 3 чи ҳафтадан 7 ҳафтагача кузатилди. ТЛ билан оғриган кўпгина беморларда иммозимазнинг қўлланилиши чандиқнинг юзаки бўлишига олиб келди, ва бу ўз навбатида косметик дефектнинг камайишига олиб келди. Бу препарат беморларда қоникарли қабул қилинди. Препаратнинг қўлланилиши ТЛ билан касалланган беморларнинг айнан яраланиш вақтида қўлланилганлиги кўрсатилиб ўтилган [27].

Мономицин ТЛ даволашда яхши самарадорлиги билан бир қаторда ўзининг токсик таъсирига ҳам эга. Мономициннинг қўлланилиши буйрак тизимига токсик таъсир кўрсатади ҳамда эшитиш нерви невритини чақиради [36]. Бундан ташқари мономициннинг тери ости ёғ қавати клетчаткасига тушиши оғриқли қаттиқ инфилтратларини келтириб чиқаради ва бу

инфильтрат айрим ҳолларда абцессга айланади кейинчалик ТЛ касалланган беморларни мономицин билан даволашни иложи бўлмай қолади [50,51].

Тери лейшманиози билан касалланган беморларда мономицин билан даво ўтказилганда 5% беморларда касаллик қайталанишини ривожланишига олиб келади. Мономицин билан терапия ўтказилганда, иммуносупрессив таъсирга олиб келиши кўрсатилган, бу эса тери лейшманиози клиник кечишига салбий таъсир кўрсатади [40].

Адабиётларда кенг спектр таъсирга эга антибиотик метациклиннинг кунлик 0,6г дозада, тери лейшманиозининг оғир формаларида эса 0,9г дозада фойдаланилганлиги ва даволаш жараёнида 16-20 кунда чандикланиш келиб чиқиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу ерда, метациклиндан фойдаланиш устунлиги унинг перорал қўлланишида эканлигини айтиб ўтиш лозим, бу эса даволашни амбулатор шароитда ўтказишга имкон беради [37].

Экспериментал тери лейшманиозида алоҳида антибиотиклар ўзини самарасини кўрсатди, айниқса, вибрамицин ва азитромицин [54]. 104 нафар тери лейшманиози беморларига вибрамицин билан левомизол комбинацияда фойдаланилганлиги ҳақида маълумотлар бор, улардан 80,6% ҳолатларда ижобий клиник натижа олинган бўлиб, даволаш бошланганидан 12-14 кун ўтгач касаллик қўзғатувчиси умуман аниқланмади [53].

Кейинчалик эса азоллар баъзи лейшманицид хусусиятга эга эканлиги кўрсатилган, чунки бу гуруҳ бирикмалари хужайра мемранаси стабиллигини сақлашда муҳим бўлган моностеронни эргостеролга диметиляциясини ингибирлайди. Кетоканазол ва пефлоксацинни лейшманиозга қарши хусусиятларини *in vitro* текширганда, кетоканазолнинг пефлоксацинга нисбатан лейшманиоцид фаоллиги анча паст концентрацияларда намоён бўлиши кўрсатилган [108].

Ҳозирги кунда тери лейшманиозини замонавий даволаш ва ташхис қўйишда бир қатор муаммолар сақланиб қолган. Бу муаммолар тери лейшманиозини нотўғри ташхис қўйишга олиб келади ва металеишманиозни ривожлантиради. Шундай қилиб дерматологияда <Вольфуран> (Нифурател)

препарати қўлланилди. Бу препарат микробга қарши, протозойга қарши, трихомонадага қарши ҳамда, жароҳатланган учоқни лейшманийлардан санация қилиб, асоратларини олдини олиш хусусиятига эга. Препарат оддий қўлланиши ва ножуя таъсирларнинг йўқлиги тери лейшманиозиди ҳам истиқболли даво методи эканлигини кўрсатади [48]. Зооноз тери лейшманиози полиморф касалликлар қаторига киради ва кўп ҳолларда иккиламчи бактериял инфекция билан асоратланади. Ўтказилган тадқиқотлардан мақсад асоратли тери лейшманиозиди микрофлора турини аниқлаш ва антибактериял препаратларга сезувчанлигини текширишдан иборат. Тадқиқотда барча беморларда Баровский таначасига микроскопик текширув ўтказилади, қўшимча равишда микрофлорага антибиотик сезувчанлик текширилди. Олинган муҳитлар канамицин, бактоцеф, рокситромицин, доксиллан каби антибиотикларга юқори сезувчанликни кўрсатди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, тери лейшманиозини иккиламчи пиокок инфекция билан асоратланиши теридаги патологик жараёни чуқурлаштиради, жароҳатни битишини секинлаштиради. Шунинг учун тери лейшманиозиди бактериял суперинфекцияни даволашда антибактериял давони қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади [1].

Тери лейшманиози билан касалланган беморларда кетоконазолни (низорал) 400мг/сутка дозада ва маҳаллий терапияни 60 кун давомида ўтказиш тўлиқ клиник соғайишга олиб келади [126]. Кетоканазол самараси бошқа тадқиқотчилар томонидан ўрганилганда ҳам худди шундай натижа олинган [122,125]. *L. major* билан чақирилган тери лейшманиози билан оғриган 100 та беморда кетоканазолнинг 200-400мг/суткалик дозада даво ўтказилганда, 70 % беморларда клиник соғайиш кузатилган бўлса, *L. Tropica* ва *L.aethiopica* билан чақирилган лейшманиозда кетоканазол кам самаралидир [130].

Адабиётларда бошқа яна бир антимикотик восита – интраканазол қўлланилиши ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, у бемор вазнидан келиб чиқиб 4мг/кг кунлик дозада (суткада максимал 200 мг) 6 ҳафта

давомида қўлланилганда, кўпчилик беморларда терапевтик эффект кузатилган [77]. Бироқ, кетоконазол, интраканазол ва рифампицин каби препаратларни қўллаш бўйича қарши (салбий) фикрлар ҳам мавжуд [125].

L. major билан чақирилган тери лейшманиози билан оғриган беморларда интраканазолнинг рандомизирланган кўр усулда Исфакон (Эрон) аҳолиси ўртасида паст клиник самара кўрсатган [120].

Қатор экспериментал текширишларда аллопуринол бирикмалари ҳам антилейшманиоз активлик кўрсатиши мумкинлиги ўрганилган [76,88]. *In vivo* текширганда пурин аналоглари – формицин А ва формицин В моно- ва трифосфатлар 90%гача паразитларни йўқотиши мумкинлиги аниқланган [71,87]. Бу препаратларнинг антилейшманиоз активлиги макрофагларга токсиклик даражаси билан аниқланади, шунинг учун ҳам одам организми бошқа хужайраларига ҳам актив компонентларнинг зарарли таъсири хавфи мавжуд. Лейшманийларнинг *in vivo* 90% элиминацияси учун юқори доза керак. Тажрибаларда формицин А нинг токсиклигини камайтириш мақсадида ташувчи сифатида IgG билан қопланган эритроцитлардан фойдаланилди. Бунда, 81% макрофаглар ушбу эритроцитларни фагоцитлади ва лейшманиалар кўпайиши 80% га қисқарди [60,87]. Бироқ, амалиётда ушбу усулни қўллаш мураккаблиги туфайли ўзини оқлолмайди. Шунинг кўрсатиб ўтиш керакки сурьма препарати билан бирга аллопуринолни қабул қилганда самаралироқ бўлиши ҳақида ҳам маълумотлар бор [117,120,125]. J. Dowlati et. al 21 кун давомида антимононатни 20 мг/кг/сут мушак орасига ва аллопуринолни 20 мг/кг/сут энтерал қабул қилишда ишончли натижа олинди [97]. В. L. Herwaldt et al. таъкидлашича аллопуринолни эҳтиёткорлик билан тавсия қилиш керак, буни R. E. Saenz et al хам тасдиқлайди [106]. Аллопуринол тери лейшманиози билан касалланган беморларда 22% этиологик 44% клиник соғайишни беради [125].

Азолидлар гуруҳига кирадиган антибиотик –Азитромицинни қўллаш ҳақида ҳам маълумотлар бор. Азитромицинни 0,05; 0,1; 0,3 ва 0,6 мг/кг миқдорда қўлланилганда макрофагларнинг паразитларга нисбатан активлиги

ошишини кўриш мумкин. Бу эса антибиотикларнинг лейшманицид таъсирини кўрсатади [107].

ТЛ билан касалланган беморларда диазепам [79], фуросолидон ва нифуртимокс препаратларини қўллаш ҳақида ҳам кўрсатмалар мавжуд [104].

ТЛ билан касалланган беморларда иммунотерапиянинг қўлланилиши алоҳида ўринга эга [45,65,77]. Гамма-интерферонни ТЛ билан касалланган беморларда антилейшманиоз активлигини ўрганиш учун бир қатор чегараланган тадқиқотлар ўрганилган [74,99]. G. Harms et al. рандомизацияланган тадқиқотларда 40 нафар ТЛ билан касалланган беморларда глюкантимнинг гамма интерферонга нисбатан самаралироқ эканлиги исботланган [99]. Бунда ҳар иккала препарат ҳам ўчоқ ичига жўнатилади. Интерферонни клиник қўлланилганда анализ натижалар шуни кўрсатадики, беморни ушбу даволаш усулига жавобини олдиндан айтиш қийин, чунки ҳар бир нозологик формага (гамма-интерферонни бир марталик даво миқдори ва давонинг давомийлиги) рационал давои танлаш лозим. Интерфероннинг қўлланилиши беморларда бир қанча асоратларга олиб келади [46,62].

ТЛ билан касалланган беморларни даволашда дорилар билан бир қаторда физиотерапевтик ва хирургик метод каби йўналишлар бор [125].

Лейшманийлар ҳаво ҳароратига жуда ҳам таъсирчан [113,122]. Гипертермиянинг таъсир механизми охиригача ўрганилмаган, аммо амастиготларнинг макрофагларда кўпайишига таъсир қилиши аниқланган [89]. Ҳаво ҳароратининг 42 градусдан кўтарилиши ДНК ва РНК ҳосил бўлиш, оксил синтезини блоклайди, ҳужайранинг нафас олиши, гликогиз жараёни секинлашади, гипоксия ривожланади ва плазматик мембрананинг барқарорлиги ошади [80].

Аксинча ҳаво ҳароратининг 0 градусгача пасайиши лейшманийлар учун летал натижага олиб келади. Эрон клиникаларинг бирида 172 нафар ТЛ билан касалланган беморларга инфракизил нурлари қўлланилганда, зарарланган ўчоқни 55 градусгача 5 дақиқа давомида қиздирилди натижада

90% лейшманийлар қайта ўзгаришга учради [110]. Худди шундай аналогик натижа ультразвук методида қўлланилганда ҳам олинган (интенсивлиги 0,5-0,3 В/см²; ҳафтасига 2-3 марта ; бир курсда 10-15 муолажа бўлиб бунда 80% лейшманиомалар 5-10 ҳафта давомида камайди [80].

Таъкидлаш керакки, ТЛ билан касалланган беморларда физик таъсир этишининг яна бир тури криотерапия ҳисобланади [95]. Шундай қилиб М. S. Gurel et al. 42 нафар ТЛ билан касалланган беморларга суяк азот билан криотерапия қилинди ва натижада 90% касалларда самарали натижага эришилди [100]. Гарчи ТЛ билан касалланган беморларда даволашнинг бундай аналогик ёндашуви қўлланилганда ижобий натижа 30% гина касалларда кузатилди. Шу муносабат билан бу криотерапия усулига пентоспанни киритилди, бунда комплекс давонинг терапевтик эффекти сезиларли даражага ошди [102]. Адабиётларда келтирилишича ТЛ билан касалланган беморларни даволашдаги бошқа усуллар масалан, лейшманиоз яраларининг лазер буғланиши 11 нафар беморда қўлланилган. Зарарланган ўчоққа карбонат ангидрид нурлари орқали таъсир қилинганда 15-17 сутка давомида 11 нафар бемордан 10 нафарида тўлиқ эпителизация кузатилди [15]. Шунга ўхшаш натижалар К. В. Babojev тадқиқотларида кузатилди. Бунда 108 нафар ТЛ билан касалланган беморларнинг 82 тасида 7 йил давомида қайталаниш кузатилмади [84]. А. Assilian et al Эронда ТЛ билан касалланган беморларда углеродли лазер қўлланилганда, 82,5% беморда лейшманиомаларнинг шифо топиши кузатилди ва қониқарли эстетик натижаларга олиб келди [129].

ТЛ даволашда углероддан ташқари аргонли лазер ҳам қўлланилган, бунда зарарланган ўчоқ маҳалий анестезия остида босқичма босқич коагуляция қилинади. (бир курсда 5-6 муолажа) [47].

ТЛ билан касалланган беморларнинг зарарланган ўчоқларини кюреттаж қириш ҳам қўлланилган, бунда дастлаб анестезия қилинади сўнг яра қирилади. Шунини айтиб ўтиш керакки, бу усул 78 та зарарланган ўчоқдан 73 тасини 4 ҳафта давомида эпителизация қилишга эришилди [119]. Айрим

холларда лейшманиоз яраларининг эрта кесилиши ва пластика қилиниши сезиларли косметик деффектларни олдини олади [82].

Қўлланилаётган дори препаратларининг токсик таъсирини камайтириш учун уларни маҳаллий қўллаш, дорини ўчоқ ичига қўллаш тавсия қилинди ва қайта кўриб чиқилди [63].

Н. А. Cohen et al ТЛ билан касалланган беморларнинг қишлоқ турига эмитинни ўчоқнинг ўзига жўнатишни қўллаб кўрди. 100% ҳолатда 5 та ўчоқли 30 та беморда этиологик даволашга эришилди [94].

Қадим замонлардан бери ТЛ даволашда маҳаллий даво шарбатлар, экстрактлар, мазьлар кўринишида фойдаланиб келинмоқда. Ўткир бошланганда яллиғланишга қарши ҳар хил намлашлар, асептик боғламлар ва эритмалар ҳамда антисептик малҳам ва кремлар тавсия этилади [32,57,64]. Ҳар хил воситаларни қўллашда кузатишлар олиб борилганда, шуни кўриш мумкинки, буларнинг ҳеч қайси бири лейшманиомаларга специфик таъсир кўрсатмайди, фақатгина эпителизацияни яхшилайти. Қузғатувчиларга нисбатан этиотроп дори дармонларнинг йуқлиги касалликнинг бошқариш имконини бермайди. Дастлаб мономициннинг амбулатор шароитда қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида маълумотлар бўлган [8,10]. А. Ш. Ваисов ТЛ билан касалланган беморга коллаген-мономицин комплексини қўллаш усулини ишлаб чиқди (лешмаколл) [12]. Авторнинг таъкидлашича, комплекс сезиларли лейшманицид таъсирга эга. Зарарланган ўчоққа қўлланилганда даво бошлангандан 7 кундан кейин суртмада топилмаган. С. С. Турсунов ва К А Юсупов коллаген-мономицин комплекси лейшманийларнинг таъсирини ингибирлашини ва реакция муҳитини ўзгартиришини тасдиқлаган [59].

В. Rossi-Bergmann et al.ТЛ каланхоэ экстрактини қўллаш усулини киритишди [124]. In vitro экспериментларида натрий хлорнинг ҳар хил концентрацияли гипертоник эритмалари ҳам лейшманицид таъсири ўрганилган[83].

Охирги 10 йилликда ТЛ даволашда махсус мазьларни қўллаш ҳақида ҳам маълумотлар бор, бу мазьлар ўзининг таркибида аминогликозидларни

сақлайди [72,130]. Экспериментал тадқиқотларда ўрганилишича лейшманиозни даволашда қўлланиладиган лешмицин (Израиль), 15% паромомицин ва 12% метилбензитониума хлориддан ташкил топган [98].

A. Asillian et al лейшманиоз яраларига лейшмицинни 2 ҳафта давомида қўллаш тавсия қилинганда тошмаларнинг клиник регрессига нисбатан этиологик тузалиш яққол кўринди. Лешмицинни 91 нафар ТЛ билан касалланган беморларда қўлланилганда самарали натижа берганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бунда маҳаллий даво 10 кундан 20 кунгача давом этган. Авторлар томонидан лешмициннинг антилейшманиоз таъсири ҳақида ижобий натижа олинган [75].

Ўзбекистонда эса биринчи бўлиб С Ф Аляви (2000) ўз илмий ишида 143 та ЗТЛнинг асоратланмаган шакли аниқланган беморларни даволашда “Лешмицин” препарати самарадорлигини ўрганди. “Лешмицин” малҳами таркибида 15% паромомицин ва 12% метилбензитониума хлорид моддалари бор. Малҳам суртишдан олдин яралар водород перкись эритмаси билан ишлов берилган, некротик тўқималардан тозаланган, сўнг “Лешмицин” малҳами суртилиб устидан боғлам қуйилган. Боғлам кунига 2 маҳал алмаштирилиб турилган. Натижалар шуни кўрсатадики, даволашнинг 10 кунига келиб 80% беморларда этиологик соғайишга эришилди. Клиник соғайиш эса ўртача 16,8 кунда қайд этилди [6].

Комолов З.Р., Рахматов А.Б., Абидова З.М. тадқиқотларида Ўзбекистон ҳудудида тери лейшманиозининг эндемик ўчоқларини сақланиб қолиши, диагнозни ўз вақтида тўғри қўйилмаслиги, самарали этиопатогенетик давонинг йўқлиги долзарб муаммо эканлигини айтиб ўтади. Тери лейшманиозининг патогенези кўп босқичли процесс бўлиб, этиологик факторнинг узоқ сақланиши билан кечиши мумкин. Бу эса кислороднинг актив формаларини пайдо булишига олиб келиши, уларнинг активсизлантиришга организм маълум миқдорда глутатион сарфлайди, яъни бу дерматозда эркин радикалли оксидланиш интенсивлиги ва организм антиоксидант тизими активлиги орасида дисбаланс вужудга келиши мумкин,

бу тери лейшманиозининг асоратли формаларини келтириб чиқаради. Тери лейшманиози билан касалланган беморларда глутатион тизимида ўзгаришлар аниқланади, эса дерматознинг асоратланган шакллариغا олиб келади. Шундай қилиб, тери лейшманиозини стандарт даво методикасида антиоксидант тизим ҳамда терапевтик самарани яхшиловчи <Глутатион> препаратини ишлатишни назарда тутати [34].

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, тери лейшманиозини даволаш бўйича жуда кўп тадқиқотларда турли даволаш усуллари синовдан ўтказилган. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, тери лейшманиозини даволашда умумий таъсир этувчи дори воситалари билан бирга маҳаллий даволаш усуллари кўллаш самаралироқ ҳисобланади.

1.4 Фототерапия

XXI асрда молекуляр биология ва лазер технологияларининг шиддат билан ривожланиб бориши жароҳат инфекцияларини янги даволаш усуллари пайдо бўлишига олиб келди. Шу усуллардан асосий ўринни фотодинамик терапия усули эгаллаб турибди.

Охирги вақтларда фотодинамик терапия кўп соҳа мутахассисларининг эътиборини юқори самарадорлиги билан ўзига қаратмоқда. Унинг кенг доирадаги антибиотик таъсири, анитибиотикларга чидамли микроорганизмларни даволашда катта аҳамиятга эга .

XX асрнинг охирги 10 йиллигида фотодинамик терапия ривожлана бошлади, аммо қадимдан машҳур докторлар Гиппократ, Авиценна, Гален қуёш нурларининг фойдали хусусиятларини яхши билишган. Улар шунингдек қуёш нурларининг ножуя таъсирлари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлишган. Шундан кейин фотомедицинага қизиқиш 19 асрнинг охирида кучайди ва бу техниканинг ривожланиши билан боғлиқ эди. Медицинада гелиотерапия деган тушунча пайдо бўлди ва бу тушунча “қуёш нурлари билан” деган маънони англатди. Бу вақтда қуёш нурлари кўпгина касалликларни даволашда катта аҳамиятга эга бўлди: Цинга, турли ҳил буғим касалликлари ва бир қанча тери касалликлари ва ҳоказо. Қуёш нурларининг

